



Journal of Natural Sciences

№2
(2021)

<http://www.natsciences.jspi.uz>



<u>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ</u>	<u>ТАХРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p>Бош муҳаррир – У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p>Бош муҳаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова, PhD, доц.</p> <p>Масъул котиб- Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none">1. Худанов У – Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.2. Кодиров Т- к.ф.д, профессор3. Абдурахмонов Э – к.ф.д., профессор4. Султонов М-к.ф.д, доц5. Рахмонкулов У-б.ф.д., проф.6. Хакимов К –г.ф.н., доц.7. Азимова Д- б.ф.н.8. Мавлонов Х- б.ф.д., доц9. Юнусова Зебо – к.ф.н., доц.10. Гудалов М- фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)11. Мухаммедов О- г.ф.н., доц12. Хамраева Н- фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)13. Рашидова К- фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц14. Мурадова Д- фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц
<p>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</p>	
<p>Журнал 4 марта чиқарилади (хар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчиб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Sciences-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

КИМЁ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ
УСУЛЛАРИ

З.О. Собирова

Жиззах давлат педагогика институти

Аннотация. Мақолада кимё фанини ўқитишда ахборот коммуникация ва педагогик технологияларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида тушунчалар интернет маълумотлари ёрдамида тайёрланган видеоролик ҳамда анимациялар орқали тушунтириш методикаси ҳамда уларнинг аҳамияти келтирилган.

Калит сўзлар: АКТ, ақлий ҳужум, тармоқлар, 3x4 методи, блиц ўйин, интервью, БББ, инсерт, ахборот коммуникация, интерфаол.

Аннотации. В статье описывается роль и значение информационных и коммуникационных технологий и педагогических технологий в преподавании химии, методика их объяснения с помощью видеороликов и анимаций, подготовленных с использованием данных Интернета, а также их важность.

Ключевые слова: АКТ, мозговой штурм, сети, метод 3x4, блиц-игра, интервью, БББ, вставка, информационная коммуникация, интерактив.

Annotation. The article describes the role and importance of information, communication and pedagogical technologies in the teaching of chemistry, the methodology of explaining them through videos and animations prepared using Internet data, and their importance.

Keywords: АКТ, brainstorming, networks, 3x4 method, blitz game, interview, BBB, insert, information communication, interactive.

Фан ва маданият узлуксиз ривожланаётган ҳозирги XXI асрда ўқитувчи-педагогларнинг касбий фаолиятига жуда катта талаблар қўйилмоқда. Таълим тизимини замонавийлаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларни замон талаби даражасидаги комил инсон этиб тарбиялаш бошқача айтганда, таълим тарбия тизимини сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтариш лозим.

Таълим соҳасида юз бераётган ўзгаришлар, катта ахборот оқимининг кириб келиши билимларни тезкор эгаллаш эҳтиёжининг пайдо бўлиши таълим соҳаларида интеграциялашувни жорий этишни талаб қилмоқда. Шунингдек, ўқитишда замонавий ахборот технологиялари ёрмидан фойдаланиш ҳам алоҳида долзарблик касб этиб бормоқда.

Ахборот коммуникация ва педагогик технологиялардан фойдаланишни “Органик кимё” фани дарсларида жорий этилиши бўйича мавжуд ҳолатларни

Ўрганиб чиққан имизда аксарият ўқитувчилар дарс жараёнларининг қизиқарли ва самарали бўлганлигини таъкидлашган. Узлуксиз таълимда ўқув-тарбиявий жараёнига ахборот технологияларни жорий этиш бўйича илмий асосланган андоза ва кўрсатмалар етарли эмас.

Ҳозирги кунда ўқувчиларнинг билим савиясини юқори даражага олиб келишни таъминловчи ўқитиш тури – бу ахборот коммуникация ва педагогик технологиялар интеграцияси асосида ташкил этилган дарслардир. Ахборот технологиялари ёрдамида дарс ўтиш компьютер, видеопроектор, видеокўз, кадаскоп, слайдлар ва мавзуга тегишли анимациялар ҳамда интернет маълумотларидан фойдаланилади.

Бу дарсларда ўқувчилар тасаввур қила олиши қийин бўлган кимёвий жараёнларнинг анимацион кўриниши ёки видеороликларини тайёрлаб, педагогик технологиялардан фойдаланилган ҳолда ўқувчиларга мавзунини яққол тушунтириб беришдан иборатдир. Дарс давомида ўқувчиларга тайёрланган анимация, слайдлар ўзаро дарслараро боғлиқ бўлиши, ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларининг ортиши, органик кимё фанининг муҳим жиҳати формулалари, реакция турлари, моддаларнинг хоссалари, реакцияга кириша олиши, фазовий кўринишларни қамраб олган бўлиши шарт. Ахборот технологиялар воситасида дарс олиб бориш ўқитишнинг энг самарали усулларида бири ҳисобланади. Бу ўқитиш усулида мавзуга оид анъанавий ўқитиш воситалари билан кўрсатиб бўлмайдиган жараёнларни анимациялар қилиб, уларни ўқувчиларга аниқ ва раво тушунтириш, интернет маълумотларидан бохабар қилиш мумкин.

Ўқитиш жараёнида ўқувчиларга шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий методларнинг қўлланилиши уларнинг мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндашиш, маъсулиятни сезиш, энг асосийси, ўқишга, фанга, ўзи танлаган касбига бўлган қизиқишларини кучайтиради. Бундай натижага эришиш амалиётда ўқув жараёнида инновацион ва ахборот технологияларни қўллашни тақозо этади. Улар жуда хилма-хилдир. Биз улардан баъзилари ҳақида тўхталиб ўтамиз:

- *ақлий ҳужум методиди* – ўқитувчи талаба эгаллаши керак бўлган мавзунини оддийдан – мураккабга томон босқичма-босқич лойиҳалаб боради.

- *тармоқлар методиди* – ўқувчи-талабани мантиқий фикрлаш, умумий фикр доирасини кенгайтириш, мустақил равишда адабиётлардан фойдаланишни ўргатишга қаратилган.

-3x4 методи- ўқувчи-талабаларни эркин фикрлаши, кенг доирада турли гоёларни бера олиши, таълим жараёнида яқка, кичик гуруҳ ҳолда таҳлил этиб, хулоса чиқара олиши, таъриф бера олишига қаратилган.

-блиц ўйинметоди – ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантиқий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида кўп, хилма-хил фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишни ўргатишга қаратилган.

-интервьютехникаси ўқувчи-талаба савол бериш, эшита олиш, тўғри жавоб бериш, саволни тўғри тузишни ўргатишга қаратилган.

Қўлланиладиган педагогик технологияларнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоклари бўйича бирйўла ахборот берилади. Айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади. Бу интерактив технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз гоёлари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, химоя қилишга имконият яратади.

Ахборот коммуникация ва интернет маълумотларидан фойдаланилган ҳолда қўлланилган машғулотлар ўқувчилар эгаллаётган билимларни ўзлари кидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига қаратилган.

Мавзунинг ахборот коммуникацияси ва интернет маълумотларидан фойдаланиб ўқитишнинг асосий мақсадлари:

-ўқувчиларга органик моддаларнинг олиниш усулларини тўлиқ тушунтириш учун уларга намойиш қилинадиган тажрибаларни ўтказиш;

-ўқувчиларда амалий машғулотларни бажариш усуллари ва уларнинг натижалари ҳақида кўникма ва малакалар ҳосил қилиш;

-ўқувчиларда кимёвий жараёнларнинг бориш механизмлари ҳақида тўлиқ тасаввурлар ҳосил қилиш;

-ўқувчиларга органик моддаларнинг фазовий тузилишини тасаввур қилишни ўргатиш;

-ўқувчиларга ўрганган билимларига асосланган ҳолда ўзини ўзи баҳолашни ўргатиш.

Мисол тариқасида ”Органик кимё” фанидан углеводородларнинг энг муҳим табиий манбаларидан нефть ва унинг маҳсулотлари мавзусини тушунтиришда ахборот коммуникацион технологиялар ҳамда интернет маълумотларидан фойдаланилган ҳолда тайёрланган слайд, анимация ва лаборатория жараёнларини видеоролик кўринишларини тақдим этиш мумкин.

Бу жараёнларни лаборатория шароитида бажариш нисбатан қийинроқ ва маҳсулотларни саноатда олиниш технологияларини акс эттириб ўқувчиларга тушунтириш ўқитувчига қулайлик, ўқувчиларда эса кўз билан кўриб, англаб, фикрлаб хулоса чиқара олишини осонлаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Авлиёкулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. Услубий қўлланма. Т. 2001. –Б.164.
2. Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълим ва тарбияда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш услубиёти: Тошкент:.. Истеъдод,2014. –Б.5-105.
3. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари.: -Тошкент. Фан, 2007. –Б.164.